

МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН — ДИЛБАР ВАТАНИМ

БОЗОРЛАРИ КЎП

ЮРТДА ТЎКИНЧИЛИК ВА АРЗОНЧИЛИК БЎЛАДИ

- Аччиқ нарса арзон бўлса...
- Олти ойда битган бозор.
- Беш дарвозали...

Пойтахтимизнинг Чкалов номида самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси курган турар-хой бинолари кичикроқ бир шаҳарга ўхшайди. Унинг «Авиасозлар» деган деҳқон бозори ҳам бор. Бу ерда юзлаб патентчилар чет эллардан келтирган турли-туман молларни пештахталарга қўйиб харидор кутади. Деҳқонлар Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан келиб узлари етиштирган маҳсулотларни сотишгапти. Картошканинг килоси ўн бир сум, помидор — 45-50 сум, бодиринг — 35-40 сум, олма — 20 сум, анор — 25 сум, майиз — 50 сум... Энг қизиғи, пивэнинг килоси: икки ярим сум, кук пивэнинг боғлами 50 тийин, саримсоқ пивэ ҳам арзон, турп — икки сум, боболаримиз «аччиқ нарса арзон бўлса, арзончилик бўлади» дейишади, дедик худди хохласа, яхши кунлар олдидан... Ахир, утган йил шу пайтда бир кило пивэ 9 минг сум — купон (9 сум) эди-да.

«Авиасозлар» деҳқон бозори раҳбари Анвар Муратов билан суҳбатлашдик. Бозор атрофларидаги панжаралар бўялган, дараклар оқланган, ариқлар қазилган, ҳаммаёқ чинидек тоза. Ошхоналардаги овқатлар сифатидан ҳурданлар хурсанд. Анвар



айлиги номли бозор. Чўпон кучаси билан «Паркент» кучаси кесишган жойдаги бу бозор кейинги пайтда уз мижозларига торлик қилиб қолди. Чунки, бу ер Паркентдан, Юқори Чирчиқ туманидан келадиган деҳқонларга қулай, шунинг учун сотувчилар иккала куча бўйлаб уз маҳсулотларини ҳеч қандай шарт-шароитсиз, расталарсиз, соябонсиз жойда ёйишга мажбур бўлишгапти. Бундай ҳол-

га чек қўйишнинг бирдан бир йўли бозор қуриш. Ана шу масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошбозорсавдо» уюшмаси жамоаси ёрдамларини аяшмади. Натикада, 6 ой ичида 600 ўринли бозор қад ростлади.

Қурилиш ишларини «Сифат» қурилиш трести амалга оширди. Ҳозир пардозлаш ишлари, панжара ўрнатиш, сотувчилар ва харидорларнинг машиналари учун тўхташ жойи, иккита бекат қури-

лиши каби қолган-қутган ишлар нияҳасига етказилди. Бозорда, сотувчилар учун барча шарт-шароит яратилди. Тоза ичимлик суви учта саккиз қиррали ҳовулардаги жумракларда мунтазам оқиб туради. Бозор ичкарисига юк машиналари бемалол кириб чиқади. 5 дарвозали катта бозорнинг яна жуда кўп афзалликлари бор, зилзилага чидамли, кенг,

Тўлқин ЁРҚУЛОВ, «Туркистон» мухбири.

Баҳор юмчилари

БОҒУ БЎСТОНГА АЙЛНАДИ

Ўлкамизда яшариш. Довудараклар чирой очатир. Она табиат кишиларга бутун тароватини намойиш қилмоқда.

Иштихон туман Ўзбекистон жамоа ҳужалиги ҳудудидagi ШАЙХЛОП пахта тозалаш ва қабул қилиш пункти жамоаси ҳам қўқаламзорлаштириш, ободончилик ишларига катта аҳамият беришмоқда. Азим Тураев раҳбарлик қилаётган мазкур пахта қабул қилиш масканида айни кунларда ажойиб ниятлар билан корхона майдонидаги 15 гектар ерга 10 минг тулпан ортиқ мевали дарахт ниҳоллари ва қурилиш-боп терак новдалари экилди. Бу эса келажакда пахта қабул қилиш корхонаси ишчи-хизматчиларини мазали ва ширин мевалар ҳамда қурилиш-боп ёғочлар билан таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда пахта қабул қилиш пунктида туманининг «Туркистон», Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, «Ўзбекистон» номли жамоа ҳужаликлари томонидан топширилган пахта хомашёсини асосий қисми қайта ишланиб бўлиди.

Р. КҶИМОВ, Самарқанд вилояти.



Татиб кўринг, баҳор неъматин.

Тургунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

Ҳаётини хабарлар

ПРОФЕССОР ҚИШЛОҚ КЕЗАДИ

Қишлоқ ҳужалик фанлари доктори, профессор Одилжон Ибрагимов утган йили «ЭКОСАН» халқаро жамиятининг Фарғона вилояти бўлимига раҳбар этиб тайинланган эди. Домла айни кунларда қишлоқ кезапти. У киши ўзининг фаоллари билан Бағдо, Тошлоқ, Бувайда туманлари қишлоқларида яшайётган эътиборлаб оилаларга жамиятнинг инсонпарварлик ёрдамини кўрсатапти.

Замон жамият фаолларини ҳам тadbиркорликка ундапти. Шу боис Тошлоқ тумани марказида «ЭКОСАН» вилоят бўлимининг махсус дорихонаси иш бошлайдиган бўлди.

Рустам БОЙ МУҲАММАД, Ўз мухбиримиз.

ҲАВАСКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бухородаги Ибн Сино номли вилоят кутубхонасида Галабанинг 50 йиллигига бағишланган «Қўзғуда Ўзбекистон» номли фотоҳаваскорлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирда 20 дан зиёд ҳаваскорлар ўзларининг асарлари билан қатнашмоқда. Айниқса, Шавкат Волтаев, Алишер Асадов, Наби Буруновларнинг фотосуратлари томошабинларда қизиқиш уйғотди. Кўргазма майгача давом этади. Энг яхши, деб топилган асарлар республика миқёсида намойиш этиш учун танлаб олинади.

Гулмира МУСАЕВА.

ДИҚҚАТ: ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

«ИҚТИДОР-95» СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДАСИНИНГ I-БОСҚИЧ ЯҚУНЛАРИ ВА II-БОСҚИЧ МАСАЛАЛАРИ

Физика, математика, кимё фанларидан ўтказилган сиртқи телевизион олимпиадасининг I-босқичига келган хатлар Республикаимиз ўқувчиларининг фанга бўлган қизиқишлари кучли эканлигини далолат бериб турибди.


Олимпиада низомига кўра белгиланган муддатда физика, кимё фанларидан 500 тадан, математика фанларидан эса 800 та яқин хатлар келди. Хатлар орасида рус забонидаги ўқув маъсасаларида тавалли олувчи ўқувчилардан келган хатларини ҳам борлиги бизни қувонтирди.

Физика фани бўйича масала топшириқлари 25 бора белгиланган 8, 9, 10 ва 11 синфлар бўйича 15 дан юқори бора белгиланган 60 бора белгиланган, 40 дан юқори бора белгиланган ўқувчиларни; Математика фани бўйича 60 бора белгиланган, 40 дан юқори бора белгиланган ўқувчиларни; Кимё фани бўйича 40 бора белгиланган, 40 дан юқори бора белгиланган ўқувчиларни; Физика, математика, кимё фанлари чуқур ўранишадиган мактаб ўқувчиларига эътиборни кучайтириш зарурлигини далолат бериб турибди.

Биринчи босқич юбилари руҳини Вилоят ва шаҳар Халқ таълими бошқармаларига юборилди. Қуйида сиз II-босқич масалалари топшириқлари билан танишасиз.

ФИЗИКА 8-СИНФ

1. Эритиш печида бошлангич температураси 83° С бўлган 1 кг мисни эритиш учун 36 г тошқумир сарфланган бўлса, печнинг η и. к. қанча?
2. Ҳажми 0,6 м³ бўлган тош, сувда 5 м чуқурликдан сув сиртига кутарилади. Тошнинг зичлиги 2500 кг/м³. Тошнинг кутарилишда бажариладиган ишнинг топилиги.
3. Илдишда $t_1 = 0^\circ\text{C}$ ли $V_1 = 3 \cdot 10^{-4}$ м³ суяқлик бор. Унга $t_2 = 100^\circ\text{C}$ ли $V_2 = 1,1 \cdot 10^{-4}$ м³ ушандай суяқлик қўшилса, илдишдаги суяқликнинг умумий ҳажми нимага тенг бўлади? Суяқликнинг ҳажмий кенгайиш коэффициентини $\alpha = 0,001 \text{ K}^{-1}$.
4. Расмда келтирилган схемада амперметрнинг кўрсатиши нимага тенг бўлади?
5. Иккита жисмдан бири ҳавода, иккинчиси сувда рақса қўрсатилгандек тарозидо мувозанатда турибди. Агар сувни илдиш жисм билан биргаликда қиздирилса мувозанат бузиладими?



9-СИНФ


1. Сигими 5 л бўлган илдиш сув билан тулдирилган. Сувга ҳажми 0,5 л ва массаси 0,4 кг бўлган жисм туширилди. Илдишдан қанча сув тукилади?
2. Кучланиши 3,5 В ва ток кучи 0,28 А бўлган фонар лампочкаси, қуввати 110 Вт бўлган 220 Вли лампочкага кетма-кет уланганда фонар лампочкаси қуйди. Бунга сабаб нима?
3. Бир хил баландликдан иккита жисмини узаро t с фарқ билан ташланди. Биринчи жисм ташлангандан қанча вақт ўтгач, улар орасидаги масофа l га тенг бўлади?
4. Массаси $M = 100$ г ва баландлиги $h = 10$ см бўлган пенопласт кубик столда ётибди. Кубикта паст томондан вертикаль йўналишида $m = 10$ г ли ўқ кириб уни тешиб ўтди. Ўқнинг киришдаги тезлиги $V_1 = 100$ м/с, чиқишдаги тезлиги $V_2 = 95$ м/с бўлса кубик жойидан сакрайдими?
5. Горизонт билан 40° бурчак ташкил қилган том бўйлаб тахтача юқоридаги туртиб юборилди. Шунда тахтачанинг энг юқорида чиқиш вақти, дастлабки жойига қайтиб келишига кетган вақтдан икки баробар кам бўлади. Том билан тахтача орасидаги ишқаланиш коэффициентини нимага тенг?

10-СИНФ

1. Ҳажми 10 л бўлган ёпиқ илдиш босими $P_0 = 10^5$ Па температураси $t_0 = 20^\circ\text{C}$ бўлган қуруқ ҳаво бор. Илдишга $П = 3$ г массали сув солиб уни $t = 100^\circ\text{C}$ гача қиздирилса, илдишдаги босим нимага тенг бўлади?
2. Бола коптосни бошлангич 90° тезлик билан деворга отиб, шу баландликда қайтган коптосни тутиб олди. Агар деворга таъсир қилган масофа l га урилиш абсолют эластик бўлса, коптос горизонтга нисбатан қандай бурчак остида отилган?
3. Чексиз катта металл пластинадан d масофада нуктавий $+q$ заряд жойланган. Пластина зарядга қандай куч билан таъсир этади.
4. Расмда тасвирланган занжирдаги конденсаторларда кучланиш тутишларини аниқла.
5. Узаро параллел иккита сим орасидаги масофа 10 см; Уларнинг бирдан 5 А, иккинчисидан — 2,5 А ток ўтади. Ҳар бир симдан 10 см масофада жойлашган нуктагаги магнит майдон индукциясининг катталиги ва йўналишини аниқла.

II — СИНФ

1. Бир учи маҳкамланган бикрлиги 2 бўлган пружинага M массали жисм осилган. Бу жисм таглик устига қуйилган бўлиб, пружина қузилмаган ҳолатда. Агар таглик 2 тезлиги билан пастга тушурилса, қанча вақтдан кейин таглик жисмдан ажраллади. Пружининг энг катта қузилиши нимага тенг бўлади?
2. Ернинг бирлик юзасига q келиб тушаётган қуёш нурланишининг қуввати 1350 ж/см^2 . Қуёш массасини $2 \cdot 10^{30}$ кг, Ердан қуёшга булган масофа $2 \cdot 10^{11}$ м деб олиб 1 с да Қуёшдан нурланган тула энергияни, энергияга айлانган Қуёш масса-



сими топинг.

3. Массалари 80 г ва 200 г бўлган эластик шарлар, узунлиги 1 м ва 0,6 м бўлган илгаларга бир-бирига тегиб турадиган ҳолда осилган. Биринчи шарни 60° бурчакка огирдиб қўйиб юборилди. Шарлар туқнашгандан сунг вертикалдан максимал огиш бурчаклари топилин.
4. Расмда кўрсатилган электр занжирдаги К қалиб уланса, қаршиликдан қанча заряд миқдори оқиб ўтади? Манбаининг ϵ , ρ , K ва l ички қаршилиги r га тенг.
5. Энергиялари 10^6 эВ бўлган иккита протон бир-бирига томон ҳаракатланмоқда. Улар орасидаги ўзаро максимал таъсирлашув кучини топинг.

МАТЕМАТИКА 8 — СИНФ

1. $P(x)$ — бутун коэффициентли кўпхад бўлиб, 5 ни 5 та x ҳар хил бутун нукталарда қабул қилсин. $P(x)$ кўпхад бутун илдишга эга эмаслигини исботланг.
2. Қавариқ бешбурчакнинг ҳар бир диагонали унинг томонларидан бирига параллел бўлса, диагоналарнинг мос томонларига нисбати $\frac{1}{2}(\sqrt{5}+1)$ га тенг эканлигини исботланг.
3. $\frac{7n^2+50n+47}{7n+41}$ касрнинг қиймати бутун бўладиган n нинг натурал қийматларини топинг.
4. Қавариқ ABCD тўртбурчакнинг юзи S га ва M нукта шу тўртбурчакнинг ичкидаги икхтерий нукта бўлсин. Агар P, Q, R ва K нукталар ABCD тўртбурчак томонлари ўрталарига нисбатан M нуктага симметрия нукталар бўлса, PQKR тўртбурчакнинг юзини топинг.
5. a, b, c — икхтерий мусбат сонлар бўлса,

$$\frac{a}{b+c} + \frac{b}{a+c} + \frac{c}{a+b} \geq \frac{2}{3}$$

9 — СИНФ

1. Ушбу $\frac{99 \dots 920}{n \cdot m}$ ва $\frac{99 \dots 940}{2n \cdot m}$ сонлардан қайси бири катта?
2. $y = |x+2| - |x-5|$ функция графигини чизинг.
3. $\begin{cases} xy = 8 \\ x+y = 5 \\ y+z = 12 \\ x+z = 24 \end{cases}$ Системани ечинг

4. Ҳар қандай бутун d сон учун $d = \frac{n-2m+1}{m^2-n}$ тенгликни қаноатлантирувчи бутун m ва n лар мавжудлигини исботланг.

5. Томонлари a, b, c, d ва диагоналлари m ва n бўлган қавариқ тўртбурчакнинг икки қарама-қарши томонлари ўрталарини туташтирувчи кесма узунлигини топинг.

10 — СИНФ

1. Агар $a > 0, b > 0, c > 0$ бўлса, қуйидаги тенгсизлик уринли эканлигини исботланг.
2. $\sin \frac{\pi}{18} \cdot \sin \frac{5\pi}{18} \cdot \sin \frac{7\pi}{18} \cdot \sin \frac{11\pi}{18} \cdot \sin \frac{13\pi}{18}$ — рационал сон бўладими?
3. $\sqrt{x^2-x+1} + \sqrt{y^2-y+1} = \sqrt{x^2+xy+y^2}$ тенгламанинг натурал ечимларини топинг.

4. Тенгсизлик $p, n \geq 3$ та кесма шундай жойлаштирилганки, уларни ихтиёрий ўтқаси умумий нуктага эга. Ҳамма кесмаларга тегишли бўлган умумий нукта борлигини исботланг.
5. Ихтиёрий учбурчак ABC берилган бўлсин. Уни уз ичига олган энг кичик қавариқ деб, ΔABC ни уз ичига олган доираларнинг энг кичик радиуслигига айтилади. Агар ΔABC нинг бирор бурчаги 90° дан кичик бўлмаса, энг кичик доиранинг маркази учбурчак энг катта томонининг ўртаси эканлигини, агар барча бурчаклар уткир бўлмаса, уша марказ учбурчакнинг ичидеги етишини кўрсатинг.

II — СИНФ

1. p та турли огирликдаги тошлар ва паллади тарози ердамида энг кўпи билан неча хил огирликдаги юкларни тортиш мумкин? (Юкни фақат бир паллага, тошларни эса турли паллаларга қўйиш мумкин).
2. $(x^2-x+1)^{1995}$ ифодани кўпхад шаклида ёзса, x^2 олдидаги коэффициент нечага тенг бўлади?
3. Пирамиданинг асосида 1995 — бурчак ётади. Ҳар бир киррасининг бирор учига йўналиш қўйиб, вектор ҳосил қилиш мумкин. Ҳосил бўлган векторларнинг йиғиндисини нолга тенг бўлмаслигини исботланг.
4. Квадратнинг учларини марказ қилиб, радиуси квадратнинг томони 1 га тенг бўлган доиралар чизилган. Бу доиралар умумий қисмининг юзини топинг.
5. $n \rightarrow \infty$ да $\cos \frac{1}{2} + \dots + \cos \frac{n}{2}$ кетма-кетлиқнинг лимитини топинг.

КИМЁ IX СИНФ

1. A, B ва C моддалар айланта рангини бинафша туста бўйилган металлнинг бирикмаларидир. A модда B билан таъсирлашиб C ни ҳосил қилади. B ни қиздирилганда D ҳосил бўлади ва у C нинг сувли эритмаси билан таъсирлашиб B бирикмаси ҳосил қилади. Шароитда қараб D модда A билан таъсирлашиб B еки C ни ҳосил қилади. A, B, C ва D ларни аниқлаш ва тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.
2. 7,16 г калий ва натрий гидроксидлари аралашмасини ортқиҳа хлорид кислотаси билан ишланган ва 10,08 г хлоридлар аралашмаси олинди. Дастлабки аралашмаларнинг масса таркибини аниқла.
3. Аммиак ва углерод (IV) оксиддан иборат 12 л газлар аралашмасининг (н.ш.) массаси 18 г. Аралашмада ҳар қайси газдан неча литрлар бор?
4. Al, Mg ва қумдан иборат 2,5 г аралашмани натрий

